

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019. Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ЗАКИРОВА ЛОЛАХОН ТУЛКУНОВНА

**ЁШ АЁЛЛАРДА СУТ БЕЗИ САРАТОННИ ПРОГНОЗЛАШДА
МОЛЕКУЛЯР-БИОЛОГИК МАРКЕРЛАРНИНГ ЎРНИ**

14.00.14 – Онкология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент –2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Закирова Лола Тулкуновна

Ёш аёлларда сут беши саратонини
прогнозлашда молекуляр-биологик
маркерларнинг ўрни.....3

Закирова Лола Тулкуновна

Роль молекулярно-биологических
маркеров в прогнозе рака молочной
железы у молодых женщин.....21

Zakirova Lola Tulkunovna

The role of molecular biological markers
in the prognosis of breast cancer.....41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....45

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019. Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ЗАКИРОВА ЛОЛАХОН ТУЛКУНОВНА

**ЁШ АЁЛЛАРДА СУТ БЕЗИ САРАТОННИ ПРОГНОЗЛАШДА
МОЛЕКУЛЯР-БИОЛОГИК МАРКЕРЛАРНИНГ ЎРНИ**

14.00.14 – Онкология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент –2020

Фалсафа доктори (PhD)диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.PhD/Tib656 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий–амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб–саҳифасида (www.cancercenter.uz) ва “ZiyoNet” ахборот–таълим порталида (www.ziynet.uz) манзилларида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Алимходжаева Лола Телмановна
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Исламбекова Зулфия Астанакуловна
тиббиёт фанлари доктори

Джураев Миржалол Дехканович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**Тожикистон Республика Онкология Илмий
Маркази (Душанбе, Тожикистон
Республикаси)**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий–амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019. Tib.77.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «_____» _____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383 уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246–15–96; e–mail: info@cancercenter.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий–амалий тиббиёт марказининг Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин _____рақами билан рўйхатга олинган. Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383 уй. Тел.: (+99871) 227–13–27; факс: (+99871) 246–15–96; e–mail: info@cancercenter.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Н. Тилляшайхов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.А. Адилходжаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

М.Х. Ходжибеков

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда сут беzi саратони (СБС) аёлларда хавфли ўсмалар орасида биринчи ўринни эгаллаб, замонавий онкологиядаги долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Ҳар йили сут беzi саратонидан 1 бир миллиондан ортиқ янги ҳолати аниқланади, ва ундан 50% ортиғи ўлим билан тугайди. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти маълумотлари кўра сут беzi саратони билан касалланиш дунё бўйича 46,3 100минг аҳолига, ўлим кўрсаткичи эса 13,0га тенг. Ҳозирги вақтда СБС «ёшариши» инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат «...ушбу патология кекса аёлларга хос бўлишига қарамай, охириги ўн йилликларда 40 ёшгача бўлган аёлларда ҳам кузатилмоқда...»¹. Юқоридагиларни инобатга олиб касалликни самарали ташхислаш ва даволаш тизимини жорий қилиш соҳа ходимлари олдида турган долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳонда ёш аёлларда сут беzi саратони даволашда ва прогнозлашда молекуляр-биологик маркерлар баҳолашни юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада худудларда ёш аёллар орасида сут беzi саратони эпидемиологик хусусиятларини асослаш; ўсманинг гистогенетик типлари асосида ўсма биологияси индивидуал хусусиятларини асослаш ва сут беzi саратони билан хасталанган ёш аёлларда, соғлом аёллар ҳамда сут беzi хавфсиз ўсмаларида қон плазмасида хужайрадан ташқари ДНКнинг миқдор ва сифат ўзгаришларини инобатга олиб, касалликни эрта босқичда аниқлаш ва касалликни кечишини башоратлашдан иборат. Сут беzi саратонини кечишини прогнозлашда ўсма супрессияси гени (RARβ2) метилланиш даражасининг аҳамиятини баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, хавфли ўсма касалликларини камайтириш мақсадида соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисидаги фармонда мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларни жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш² каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар ёш аёллар орасида сут беzi саратонини ташхислаш ва даволашни янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали ўсма касалликларни камайтириш, беморларнинг ҳаёт тарзини яхшилаш имконини беради.

¹В.Ф. Семиглазов и др. Иммунология рака молочной железы / под ред. проф. В.Ф. Семиглазова. — М: СИМК, 2019. — 204 с.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947–сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора–тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ-2866-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-307-сон “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хужайрадан ташқари ДНКга алоҳида қизиқиш уларнинг сони ўсма касалликларида сезиларли даражада кўпайиши, бу эса ушбу патологияларнинг эрта белгиси сифатида ишлатишга имкон бериши мумкинлиги исботланган (Фоменко Ю.М.2018). Турли муаллифлар томонидан олинган натижаларнинг ноаниқлиги ҳтДНК даражасини аниқлаш учун баённомаларнинг хилма-хиллиги, тўғри аналитик валидацияга турлича ёндашувлар билан изоҳланади. Бундан ташқари, тадқиқотчилар ушбу биомаркернинг ўсма касалликлари лаборатор ташхисотида тутган ўрни ва фойдаланиш мумкинлиги тўғрисида аниқ бир хулосага келишмаган. ҳтДНК диагностик маълумотнинг ишончли манбаларидан бири ҳисобланади (Филипенко М.Л., 2017). Ўсма касалликлари эрта ташхисоти ҳамда ўсмага қарши самарадор препаратларни танлашда янги имкониятлар яратади. Шу сабабли хавфли ўсмалар ривожланганда, қон плазмаси ёки зардобиди айланиб юривчи ДНКни микдорий ва сифатий ўзгаришини ўрганишга катта аҳамият берилмоқда. Катор тадқиқотлар ўсма хужайралари қон оқимида ва бошқа биологик суюқликларга ҳтДНКни аниқлайдиган фрагментларини ажратишини, ҳамда улар ўзида келиб чиққан ўсма учун хос бўлган ноёб генетик ва эпигенетик ўзгаришларни сақлаши исботланган (Wan С.М., 2017). Дастлабки тадқиқотларнинг кўрсатишича, ҳтДНКнинг асосий қисми фаол хужайра секретларидан келиб чиқади (Gajdos С. et al, 2010).

Сўнги тадқиқотлар тасдиқлашича, ҳтДНКни ўрганишдаги технологик ютуқлар муаммоларни енгиб чиқиши ва хавфли ўсмалар, жумладан, ёш аёлларда сут бези саратонини (СБС) эрта даврда ташхис куйиш учун имкон яратиши мумкин. (Aravanis А.М, Lee М., Klausner R.D., 2017). Ўзбекистонда сут бези саратонини диагностикаси ва даволашга замонавий ёндашувига оид

катор илмий ишлар олиб борилган (Алимходжаева Л.Т., 2011), СБС беморларида core-биопсия бўйича морфологик ва диагностик имкониятларни баҳоланган, бироқ, ёш аёлларда сут беzi саратони даволашда ва прогнозлашда молекуляр-биологик маркерларнинг ўрни асосланмаган.

Ҳозирги кунда сут беzi саратони билан касалланган беморларда бир томондан кимёвий даволашни сезиларли даражада оптималлаштирадиган, ҳамда давога резистент ва кам сезгир ўсма турларида беморларни токсик ва қиммат кимёпрепаратлари билан даволашдан халос қиладиган, бошқа томондан эса беморларни самарали даволашга имкон берадиган, даволаш самарадорлигини баҳолайдиган умумий қабул қилинган прогноз омиллари мавжуд эмас. Шундай қилиб, тадқиқотлар хТДНК ни саратон касаллигини эрта аниқлаш ва ташхислаш учун маркер сифатида юқори потенциалини ва аҳамиятини намоиш этади, уни клиник шароитда қўллаш ва тавсия этишдан олдин ўрганиш керак бўлган жиддий муаммолар мавжуд.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази (РИОваРИАТМ) илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Ёш аёлларда сут беzi саратонини даволаш натижаларини клиник иммунологик, молекуляр генетик ва патоморфологик аспектлар ёрдамида прогнозлаш”(2018-2020)мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: ёш аёлларда сут беzi саратони кечишини молекуляр-биологик маркерлар асосида прогнозлаш тартибини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мамлакатимизда (2013-2017 йй. давомида) ёш аёлларда сут беzi саратони эпидемиологик хусусиятларини таҳлил қилиш;

ўсманинг гистогенетик (биологик) типлари асосида ўсма биологиясининг индивидуал хусусиятларини баҳолаш;

Хужайрадан ташқари ДНКни микдор ва сифат ўзгаришларини сут беzi саратони билан хасталанган ёш аёлларда, соғлом аёллар ҳамда сут беzi хавфсиз ўсмалари билан солиштиргандаги прогностик аҳамиятини баҳолаш;

касаллик кечишини прогнозлаш учун ўсма супрессияси гени (RAR β 2) метилланиш даражасининг аҳамиятини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2013-2017 йилларда эпидемиологик таҳлил ўтказиш учун Давлат статистика қўмитасида аҳоли орасида аёллар сони бўйича маълумотлари, 7-SSV расмий ҳисоботлари, РИОваРИАТМ онкомамология бўлимида текширувдан ўтган ва даволанган СБС верификацияланган ташхис билан 45 ёшгача бўлган 80 нафар, T₁₋₄N₀₋₂M₀ босқич (II-III клиник босқич) беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида СБС саратони эпидемиологик хусусиятларини излаш ва касалланиш, қўпол ва стандартлаштирилган кўрсаткичлар, ўсиш ва пасайиш даражаси, 95% ишонч интервали, ўртача ёш,

касалланиш тренди, корреляция коэффиценти, кумулятив кўрсаткичлари, хавф, касалланишни прогношлаш, шунингдек, ўсманинг биологик тури, онкоген экспрессияси даражасини аниқлаш билан имуногистокимёвий таҳлил ўтказиш учун биопсия материали намуналари, ҳамда хтДНКни сифат ва миқдор жиҳатдан аниқлаш учун қон материали олинган.

Тадқиқот усуллари. Қўйилган вазифаларни ҳал этиш ва тадқиқот мақсадига эришиш учун онкоэпидемиологик таҳлил, биокимёвий, молекуляр-биологик, иммуногистокимёвий ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сут беши саратони билан касалланган ёш аёлларда касаллик кечишини башоратлашда эпидемиологик таҳлиллар, ҳамда ҳужайрадан ташқари ДНКнинг миқдорий ва сифатий ўзгаришинг ўрни асосланган;

сут беши саратони билан хасталанган ёш аёлларда люминал В ва уч карра салбий турида RAR β 2 гени гиперметилланиши энг ёмон кўрсаткичларга эга эканлиги исботланган;

RAR β 2 гени гиперметилланишини баҳолаш орқали сут беши саратони билан касалланган ёш беморларни касаллигни назорат қилишга даво-тактикаситакомиллаштирилган;

ҳужайрадан ташқари ДНК гиперэкспрессиясини баҳолаш натижасида ёш аёлларда сут беши саратонини хавфини башоратлашда мультифакториал ёндашув тартиби такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти қуйидагилардан иборат.

Касалланган ёш аёллар орасида ёшга доир ўзига хослик аниқланган (35-39 ёш чўққиси), касалланиш даражаси кўрсаткичини бирламчи тизимдаги шифокорлар томонидан аҳамият берилиши, сут беши саратонини эрта ташхислаш ва профилактикасида 35-40 ёшдаги аёлларда орасида амалга оширишда кўпроқ аҳамият бериш асосланган;

ёш аёлларда СБС келиб чиқиш хавф омилларини аниқлаш учун кўшимча текширувлар ҳамда ҳудудий вариабеллик ва ушбу патологияни Республика ҳудудлари бўйича тарқалишини кенгайтирилган ўрганишни талаб қилувчи ёш аёлларда СБС касалланиши онкоэпидемиологик таҳлили ўтказиш тавсия қилинган;

ўтказилган онкоэпидемиологик таҳлиллар мониторинги динамикада саратонга қарши курашишни, хавфли ўсма касалликлари профилактикасини, уларга қарши курашишни, шунингдек онкологик хизматни режалаштириш ва татбиқ этиш чоралар-тадбирлари асосланган;

ёш аёлларда СБС эрта ташхисоти, прогношлаш ва персоналлашган мониторинг муаммоларини ечишга янгича ёндашув тавсия қилинган;

СБС ривожланиши хавф гуруҳини ажратиш билан, ёш аёлларда клиник-морфологик ва молекуляр-биологик хусусиятларини баҳолаш асосида хтДНК миқдорини ўзгаришига қараб даволаш натижаларини баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ишида замонавий усул ва ёндошувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий

жихатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарличалиги, клиник, биокимёвий, инструментал, морфологик ва статистик текширув усулларига асосланилганлиги, маълумотларга статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган. Статистик усулларнинг қўлланилиши олинган натижаларнинг ишончлилигини таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мамлакатимизда ёш аёлларда сут бези саратони бўйича онкоэпидемиологик вазиятни ўрганишга катта хисса қўшади, 35-39 ёшдан 45 ёшгача бўлган контингент орасида касалланишнинг ёш чўққиси аниқланган, бу кейинги кенгайтирилган онкоэпидемиологик текширувлар, биринчи навбатда скрининг тадбирларини олиб бориш зарур бўлган касалланиш юқори даражадаги ҳудудларни баҳолаш, шунингдек, ушбу патологиянинг келиб чиқиш хавф омилларини баҳолаш зарурлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ёш аёлларда сут бези саратони бўйича онкоэпидемиологик мониторинг асосида бўйича касалланиш кўрсаткичлари қиёсий баҳолаш ўтказилган, бунда кейинчалик 2021 йилгача касалланишнинг яқин прогнозини тузиш билан ёш аёллар орасида касалланишнинг ёш чўққилари аниқланганлиги амалий аҳамиятга эга бўлиши билан изоҳланади. Сут бези саратонида ўтказилган стандарт FACS схемаси бўйича махсус давога жавоб сифатида хТДНКнинг микдорий ўзгариши даволаш самарадорлигини баҳолашда ва мониторингида биомаркер сифатида қўллаш имкониятини беради. Сут бези саратони келиб чиқиши хавфи бўлган аёллар гуруҳини ажратишда, ҳамда касалликни прогнозини кўрсата оладиган молекуляр-биологик маркерлари аниқланганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ёш аёлларда сут бези саратони даволашда ва прогнозлашда молекуляр-биологик маркерлар ўрни ни асослаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“Ёш аёлларда сут бези саратонини даволаш натижаларини прогнозлаш усули” услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 17 сентябрдаги 8н-р/356-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома прогнозлаш усули ёрдамида ёш аёлларда сут бези саратонини даволаш натижаларини яхшилаш имконини берган;

Ёш аёлларда сут бези саратонини прогнозлашда молекуляр-биологик маркерларнинг ўрнини асослаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, РИОваРИАТМ Сирдарё ва Фарғона филиалларининг клиник амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 18 декабрдаги 8н-д/210-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши ёш аёлларда сут безисаратонини даволаш натижаларини прогнозлаш, касалликни эрта

эпидемиологик таҳлиллар асосида ташхислаш ва касалликни даволаш самарадорлигининг таъминлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 4 та халқаро ва 2 та Республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 1 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисми ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруратини асослашга, текшириш мақсади ва вазифалари, объект ва предметларини тавсифлашга бағишланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ёш аёлларда сут бези саратони прогнозида молекуляр-биологик маркерларнинг замонавий ҳолати”** деб номланган биринчи бобида ушбу патология бўйича замонавий адабиётларга мувофиқ, ҳамда ёш аёллардаги СБС эпидемиологияси, ташхисоти муаммоси ҳолати, муаммонинг охириги ўн йилдаги замонавий адабиётлар таҳлили келтирилган. Адабиётлар шарҳида эпидемиологик аспектларининг ҳамда ёш аёлларда СБСда ўсма хатти-ҳаракатининг клиник-морфологик ва молекуляр-биологик хусусиятларининг ноаниқлигига таъкидланган. Мавжуд замонавий илмий қарашларни эътиборга олган ҳолда бу соҳада илмий изланишлар ўтказиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса чиқарилган.

Диссертациянинг **«Ёш аёлларда сут бези саратони онкоэпидемиологик статистикаси, материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида онкоэпидемиологик ва биостатистика усуллари батафсил тасвирланган, унга кўра “кўпол” ва “стандартлаштирилган” кўрсаткичлар, трендларни, ўсиш ва камайиш темпларини аниқлаш билан касалланиш ҳисобланган. Юқорида келтирилган кўрсаткичлар асосида 2021 йилга ёш аёлларда СБС билан касалланиш даражасини кўрсаткичларини ҳисоблаш билан математик моделлаштириш ўтказилган. Онкологик муассасалар томонидан тақдим қилинган ЎЗР ССВ–7SSV ҳисобот хужжатлари шаклига мувофиқ 2013-2017 йй. (5 йил) да ёш аёлларда СБС барча ҳолатлари бўйича статистик маълумотлар тадқиқотимизнинг объекти бўлди. Ёш аёлларда СБС билан касалланиш

кўрсаткичлари ўрганилди. Бу патологиядан касалланиш маълумотлари бўйича ишончли ахборот олиш ҳамда касалланиш кўрсаткичларини кейинчалик ҳисоблаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасига ўрганилаётган параметрлар бўйича мурожат қилинди. Тиббий-биологик статистиканинг умум қабул қилинган усуллари ёрдамида экстенсив, ёш, кўпол, стандартлаштирилган кўрсаткичларини ҳамда СБС ривожланиши кумулятив хавфини ҳисоблаш амалга оширилган.

Тадқиқотга 23-45 ёшдаги, ўртача ёши 32,5 йил бўлган СБС верификацияланган ташхис билан 80 бемор аёллар киритилган, уларда СБС фенотипини аниқлашда ҳамда биологик таснифлашда клиник-морфологик, молекуляр-биологик хусусиятларини имуногистокимёвий таҳлилидан фойдаланиб ўрганилган. Уларнинг ўзгаришига қараб онкооқсил Her2/neu экспрессияси, Ki-67 ни аниқлаш билан ўсма хужайраларининг пролифератив фаоллиги, ҳамда хтДНК нинг миқдор ва сифат ўзгаришлари даражаси, кейинчалик олинган маълумотларни статистик-математик ишлов бериб ўрганилган. Имуногистокимёвий текширув усуллари, қон таркибидаги лейкоцитлардан хтДНКни ажратиб олиш, хтДНКнинг молекулярной оғирлигини аниқлаш, электрофорез, ПЗР ва RARβ2 генини метилланиш усуллари курсатилган.


Диссертациянинг «**Сут беги саратони замонавий босқичдаги онкоэпидемиологиктаҳлили**» деб номланган учинчи бобида 2013-2017 йй. даврида ёш аёлларда СБС билан касалланишни ўрганиш амалга оширилган.

СБС билан касалланиш даражаси бўйича вазиятни аниқлаш учун бутун дунёда, шунингдек, ёш аёллардаги онкоэпидемиологик вазиятнинг дастлабки таҳлили ўтказилди. У дунёнинг турли бурчакларида СБС эрта ташхислаш ва онкоскрининг бўйича турли ихтисослаштирилган онкологик хизматларнинг саъй-ҳаракатларига қарамай, ҳозирги кунда бу муаммо долзарб бўлиб қолаётганини кўрсатди. Ёши бўйича СБС таҳлил қилинганда, дунёнинг кўплаб мамлакатларида СБС нинг тарқалиш тенденцияси ва ушбу патологиянинг фаол «ёшариш» жараёни аниқланади, бу эса ушбу ёш тоифасида юқори даражадаги касалланиш ва ўлим кўрсаткичига олиб келади.

Ўзбекистон Республикасида таҳлил кўрсатишича, ўрганилган муддатда ёш аёлларда СБС қайд қилинган ҳолатлари 2013-2017 йй.да беморлар умумий сонига нисбатан 3573 (32,2%) ни ташкил қилган, 5 йил ичида СБС билан биринчи марта ҳисобга олинган беморлар- 14240. Ўзбекистонда ёш аёлларда СБС билан касалланишнинг ёш гуруҳлари бўйича тарқалиши куйидагича: 18-19 ёш – 12 (0,11%); 20-24 ёш – 36 (0,32%); 25-29 ёш – 185 (1,67%); 30-34 ёш – 652 (5,89%); 35-39 ёш – 1112 (10%); 40-44 ёш – 1576 (14,2%).

Республикада ёш аёлларда СБС беморларининг ўртача ёшининг таҳлили 37,5±0,10 ёш, йиллар бўйича динамик ўзгариши аҳамиятсиз тебранишларни аниқлади, умуман 2017 йилгача ёш ўзгаришлари ўзгармади, у 37,5 ёшни ташкил қилди, динамикада ёш-жинс трендларини ўрганиш пасайиш тенденциясини кўрсатди ва тенглаштирилган кўрсаткичларнинг ўртача йиллик пасайиш темпи $T_{y6} = -0,1\%$ ни ташкил қилди.

Имкони бўлган прогноз кўрсаткичларини ўрганиб, ёш аёлларда СБС нинг касалланиши стандартлаштирилган кўрсаткичларини дунё стандартларига ҳисоблаб, маълум кўрсаткичлардан келиб чиқиб, 2021 йилга ёш аёлларда СБС касалланиши ҳисобланган, у Ўзбекистон Республикасида касалланиш трендлари чизиклилиги сақланганда $5,5 \pm 0,10\%$ (95%ИИ = 4,0-4,4%) бўлиши мумкин (1-расмга қаранг).



1-расм. Ўзбекистон Республикасида 2021 йилгача ёш аёлларда СБС билан касалланиш кўрсаткичини прогнозлаш

Диссертациянинг “Сут беи саратони билан хасталанган ёш аёлларда молекуляр-биологик маркерлар, уларнинг хусусиятлари ва прогностик аҳамияти” деб номланган тўртинчи боби ЎзРССВ РИОваРИАТМ онкомамология бўлимида даволанган 23-45 ёшдаги бирламчи СБС $T_{1-4}N_{0-2}M_0$ босқичидаги 80 бемор аёлда ўтказилган молекуляр-биологик маркерлар, уларнинг хусусиятлари ва прогностик аҳамиятига бағишланган.

Беморлар касаллик босқич, клиник шакллари, гистологик типлари бўйича тақсимланган, уларга махсус даволашдан олдин комплекс иммуногистохимёвий текширув стероид гормонлар рецепторлари: эстроген, прогестерон ва онкооксил HER2/neu (биопсия материали) экспрессияси даражасини аниқлаш билан бирга ўтказилган. Энг кўп беморлар сони IIb - 8,7%, IIIa - 32,5% ва IIIb - 56,2% да, эрта босқичларда беморлар сони IIa - 2,5%, бўлган. СБС беморлари клиник шаклларини ўрганиш кўрсатишича, улар қуйидагича тақсимланди: энг кўп шишл-инфилтратив шакли – 46,3%; тугунли– 43,7%, панцир ва Педжет саратони – 3,75%; маститсимон тури – 2,5%.


Беморлар ўртача ёши 30-35 ёшни ташкил қилди, бунда СБС энг кўп 35 ёшгача – 35%; 30 ёшгача – 26,3%; 41-45 ёш – 21,3%; энг кам кўрсаткич 36-40 ёшли беморларда бўлган – 17,5% бўлган.

Тадқиқот гуруҳида кўп ўсмалар гистологик шакли бўйича инвазив-сут йўли саратони – 83,8%; инвазив- булак саратони– 6,3%; энг каммиқдорда эса медулляр ва Педжет саратони–3,8%; ва бошқа турлари 2,5% кўринишида намоён бўлган.

Ушбу тадқиқотда иммуногистохимёвий текшириш усуллари ёрдамида эстроген ва прогестерон рецепторлари, Her2/neu, Ki67 ўрганилган.

Иммуногистохимёвий текшируви СБС верификацияланган 80 та беморда

а
м
а
л
л
г
а
с
п
и
р
и
л
г
а
н
,



э
с
т
р
о
ф
у
р
г
и
с
т
е
р
о
н
,


а б
2-расм. а) СБС хужайраларида эстроген рецепторлари, ИГК усули.

(Катталаштириш x200.) б) СБС хужайраларида прогестерон рецепторлар, ИГК усули.
(Катталаштириш x200.)

Ёш аёлларда СБСда эстроген ва прогестерон рецепторларини ўрганишда, эстроген(RE)ва прогестерон(RP) рецепторлариэкспрессиясини аниқлашни аҳамиятини эътиборга олиб, RE ва RP ларнинг мусбат кўрсаткичи (RE+/RP+) 37 (46,2%) беморларда; манфий RE ва мусбат RP (RE-/RP+) 6 (7,5%); мусбат RE ва манфий RP (RE+/RP-) 12 (15,0%); манфий RE ва RP (RE-/RP-)- 25 (31,2%) беморда аниқланган.

а Бунда СБС билан хасталанган беморлар орасида корреляцион таҳлилда REэкспрессияси даражаси билан бемор ёши орасида ишончли мусбат корреляция ($r=0,62$; $p<0,05$)кўрсатди.

ва Ki67 Dako Cytomation, (K0673), Дания тўплами ёрдамида аниқланган, Эстроген ва прогестерон рецепторлари экспрессиясига боғлиқ хужайралари ядроси оч суёт рангдан тўқ жигар ранггачабўялган, уларнинг аниқланиши эса




3-расм. Эстроген ва прогестерон рецепторлари экспрессияси

80 нафар СБС билан хасталанган ёш аёлларда биопсия материалидан

И
М
У
Н
Ө
У
Ф
Ф
Ф
У
Ж
Ў
ё
в
Н
Й
а
Й
Ф
Ф
Ф
У
Ж
Ў
ё
в
Н
Й
а
Й

1
2
3
4



4-расм. СБС ҳужайраларида фенотипга боғлиқ Her2/neu оксил экспрессияси, (а–манфий; б – кучсиз мусбат; в – мусбат; г – уч карра мусбат)

СБС билан хасталанган 80 нафар ёш аёлларда Her2/neu экспрессиясини

экспрессияси ўзгариши ҳамда ёш бўйича хусусиятларини ўрганиш учун СБС билан хасталанган ёш аёлларда турли ёш даврларига боғлиқ равишда ўрганиш (3-расм, а, б, в, г). Her2/neu экспрессияси баҳоланганда беморлар ўшига экспрессиянинг тўғри боғланиши аниқланган. Экспрессия 31-35 ёшдаги гиперэкспрессияси нафақат ёмон прогностик омил (рецидивлар хавфи ошади), балки ўтказилган кимё-гормонтерапиянинг самарадорлигини пасайтирувчи ҳисобланади. Экспрессия 35 ёшгача бўлган аёллар гуруҳида кучлироқ намоён бўлган (1-жадвалга қаранг).

Н
А
Н
,14
Н
ё
Ф

1-жадвал.

онкооксил экспрессиясининг беморлар
ёшига боғлиқлиги

Ёш	Н								жами	
	0 (-)		1(+)		2(++)		3(+++)			
	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%
25-30 ёш	7	8,8	3	3,8	2	2,5	5	6,3	17	21,3
31-35 ёш	16	20	3	3,8	5	6,3	8	10	32	40
36-40 ёш	5	6,3	4	5	2	2,5	2	2,5	13	16,3
41-45 ёш	8	10	5	6,3	3	3,3	2	2,5	18	22,5
жами	36	45	15	18,8	12	15	17	21,3	80	100

Ў

Т
к
а
з
и
л
Г
а
н
Т
а
Д
қ
и

2-жадвал

Беморларнинг молекуляртур ости (подтип) бўйича тақсимланиши


	Молекуляртур ости	ЭР	ПР	Н е	жами	
					сон	%
1	Люминал А	+	+	-	14	17,5
2	Л	+	-	-	19	23,8
	Н	+	+/-	+	16	20
3	Н	-	-	+	13	16,3
4	Уч қарра салбий	-	-	-	18	22,5
	Жами				80	100

СБС билан хасталанган ёш аёлларда Кі67 экспрессиясини ўрганиш. Ўсма
Холатига таъсир қилувчи прогностик омиллардан бири ҳужайраларнинг
Пролифератив фаоллигини кўрсатувчи Кі67 ҳисобланади.
Имуногистохимёвий текширувида гистологик препаратларда Кі67 жигар
рангга бўялган ўсма ҳужайралари кўринишида аниқланган, бунда мусбат
бўялган ўсма ҳужайралари даражасига боғлиқ мусбат бўялган ядролар
Микдори фоизда ҳисобланган (5-расмга қаранг).

Ю
м
и
н
а
л

А

Т
У
р



5-расм. СБС хужайраларида Ki-67 антигенэкспрессияси (Катталаштириш.х200)

Ki67 индекси 34 дан 97% гача қайд қилинган ва ўртача $57,8 \pm 8,4\%$ ни ташкил қилган, бунда беморлар ўртача ёши $31,3 \pm 3,3$ йил; Ki67 хужайраларнинг экспрессияси даражаси беморлар ёшига нисбатан корреляцион боғлиқликни кўрсатди ва $r=0,04$, $p>0,05$ ни ташкил қилди, бу 35 ёшдан кичик СБС билан хасталанган аёлларда юқори пролифератив фаолликни исботлайди, бунда 35 ёшдан катта беморларда Ki67 ёшга боғлиқ бўлмаган ва корреляцион боғлиқлик манфий ($r=-0,02$, $p>0,05$).

3-жадвал.

СБС билан хасталанган ёш аёлларнинг жараён босқичи ва Ki-67 пролиферация индекси даражасига боғлиқ тақсимланиши

СБС босқичи	Ki-67 антиген экспрессия даражаси			
	<35-44%	45-60%	61-75%	75-95%
IIa- ($T_2N_0M_0$)	-	-	1,3	1,3
IIb- ($T_2N_1M_0$, $T_3N_0M_0$)	3,8	7,5	12,5	16,3
IIIa- ($T_{1-2}N_2M_0$, $T_3N_{1-2}M_0$)	1,3	6,3	13,8	21,3
IIIb- ($T_4N_{1-2}M_0$)	-	3,8	6,3	5,0
Жами:	5,0	17,5	33,8	43,8

Тадқиқотда Her2/neu экспрессияси ва жараён босқичига боғлиқ Ki-67 пролиферация индекси ҳам ўрганилган. Таҳлил кўрсатишича, ўсманинг 2 см дан кичик ўлчамида ҳам, маҳаллий лимфа тугунларида метастазлар йўқлигида ўсма хужайраларининг юқори пролифератив фаоллиги - Ki-67 экспрессияси 75%дан кўп, IIa ва IIb – 17,6%, жараён босқичи ошиши билан Ki-67 индекси ошиши кузатилади, IIIa да – 43,8% ни ташкил қилган. Бу ўсма хужайраларининг хатто кичик ўлчамда ҳам юқори тажовузкорлигидан далолат беради (3-жадвалга қаранг).

Иммуногистокимёвий таҳлиллар натижасига кура, локал рецидивлар ва метастазлар 35 ёшгача булган беморларда келиб чиқиш эхтимоли юқори. Тадқиқот гуруҳида метастазлар бошқа ёш тоифасига нисбатан 35 ёшгача аёлларда энг кўп юзага келди.

Ўсма хужайралари юзасида эстроген ва прогестерон рецепторларининг бўлмаслиги касаллик агрессивроқ кечишини кўрсатади. Бундай фенотипли беморларда маҳаллий лимфа тугунларида метастазлар кўпроқ учрайди. Ўсма хужайраларида онкооксил HER-2 neu максимал экспрессияси ёш аёлларда СБС клиник кечиши прогнозининг мустақил омили ҳисобланади, у ўсманинг юқори метастатик потенциали билан боғлиқ ва СБС гормон-негатив

ф
е
н **Диссертациянинг «Ўсма касалликлари бўлган беморларда хужайрадан ташқари ДНК миқдор ва сифат бузилишлари таҳлили»** деб номланган бешинчи бобида СБС билан хасталанган ёш аёллар плазмасида хтДНК концентрацияси, клиник ва диагностик мезонларга бағишланган. СБС билан хасталанган ёшаёллар қони плазмасида хтДНК концентрацияси 120 нг/мл дан 197 нг/мл гачани ташкил қилган ва ўртача 157,2 нг/млни ташкил қилган. СБС да беморлар плазмасида хтДНК миқдори ўртача 57% гача ошиши кўрилди. Биз томондан СБС беморларида хтДНК концентрацияси ишончли бўлиши кўрсатилди. Ушбу беморлар плазмасида хтДНК концентрацияси меъёрига нисбатан фарқ қилиши кўрилди.

у Хужайрадан ташқари ДНК ни ташхисотнинг кам инвазив усулларини яратиш учун организмнинг биологик суюқликларида детекция қилиш мумкин. Биз томонимиздан қон плазмасидаги хтДНК концентрацияси ва таркиби СБС ривожланганда сезиларли даражада ўзгаришини, ушбу патологиянинг эрта шакллари аниқлашда прогностик маркер бўлиши кўрсатилган.


х Шундай қилиб, СБС бўлган ёш аёллар плазмасида хтДНК миқдори бўйича маълумотлар асосида хулоса қилиш мумкин-ки, қон плазмасидаги хтДНК концентрацияси миқдорий ва сифат ўзгаришларини аниқланиши СБС эрта ташхисотида самарадор кўрсаткич бўлиб хизмат қилиш мумкин ва касаллик босқичи, мониторинги ва даволаш прогнозини баҳолаш учун ршлатилиши мумкин.

. Ўсма касалликларида плазмадаги хтДНК нинг нафақат миқдорий ўзгариши, балки сифат бузилишлари, яъни ДНК фрагментацияси, қуйи Молекуляр нуклеосом ДНК пайдо бўлиши кузатилади. Айланаётган қонда Нуклеосомаларнинг аниқланиши касаллик ташхисоти ва босқичини аниқлаш учун қўлланиши мумкин.

Шу мақсадда текширилган гуруҳларда ёш аёлларда СБС беморлари плазмаси хтДНК таркиби сифат томонидан баҳоланган. хтДНК молекуляр вазирлиги 2% агароз гелда электрофорез усули ёрдамида таҳлил қилинган.

н
г

р
е
ц
е
п
т
о
р




6-расм. СБС беморлари қон плазмасида хтДНК сифат баҳоси
(m – ДНК маркер 100kb, M – λ EcoR I; 1-(9,4; 6,6 т.п.н.), 2 – (9,4; 3,5 т.п.н.); 3- (9,4; 3,2; 2,0; 0,6; 0,4 т.п.н.); 4-(9,4; 6,8;1,8; 0,6; 0,2 т.п.н.); 7 – меъёр (22,1 т.п.н.).

Ўтказилган таҳлилда (6-расмга қаранг) соғлом аёллар ва СБС билан хасталанган ёш аёлларда хтДНК электрофореграммаси тасвирланган, ёш аёлларда СБС мавжуд бўлганда қуйи молекуляр фрагментлар пайдо бўлади, улар ўлчами турлича бўлиб, СБС беморларида хтДНК фрагментацияси юзага келиши билан боғлиқ. Бунда СБС билан хасталанган ёш аёлларда ДНК фрагментациясини электрофоретик усул билан аниқлаш имконини айтиб ўтиш жоиз, бу усулни бажариш осон, у нисбатан арзон ва қимматбаҳо жиҳоз ва реактивларни талаб қилмайди, шунинг учун ёш аёлларда СБС эрта ташхисотида қўлланиши мумкин.

Шундай қилиб, СБС билан хасталанган ёш аёллар плазмасида хтДНК фрагментланган қисмларини аниқлаш ўсма олди ўзгаришларининг ривожланишида, эрта ташхисот ва касаллик клиник кечишини прогнозлашда эрта маркер сифатида ҳисоблашга имкон беради, уни ёш аёлларда СБС ташхисоти ва мониторинги учун хавф гуруҳларини аниқлашда тавсия қилишга имконият яратади.


Ёш аёлларда СБС да хтДНК онкомаҳсус кетма-кетлигини аниқлашда ПЦР реакциялари RAR β 2 ген праймерлари билан ишлатилган. СБС да хтДНК билан ПЦР реакциясида RAR β 2 ген учун маҳсус праймерларнинг ишлатилиши статистик ишончилиқни кўрсатди ($\pi^2=4,1$; $p=0,03$; OR=2,6 95%ДИ-1,2-12,2). Шундан келиб чиқиб, биз ёш аёлларда СБС да плазмасидан ажратиб олинган хтДНКнинг сут беги тўқимаси учун маҳсуслигининг исботини олдиқ, у RAR β 2 ген учун хос кетма-кетликни сақлагани учун ажратиб олинган хтДНК га нисбатан ўсма, тўғрироғи СБС га нисбатан исботини тасдиқлай олади.

Ўтказилган тадқиқотлар кўрсатишича, СБС билан хасталанган ёш аёллардан олинган хтДНК RAR β 2 ген учун маҳсус онко кетма-кетликка эга, яъни унинг ўсма табиатини тўлиқ тасдиқлайди (7-расмга қаранг).



7-расм. Ёш аёлларда СБС да RARβ2 ген ПЗР электрофореограммаси

Ёш аёлларда СБС да RARβ2 ген аномал эпигенетик регуляцияга учрайди, шунинг учун ушбу генда аниқланган промотор соха метилланиши аниқланади. Бу геннинг функционал бузилишлари ёш аёлларда СБС да фаолликни юқори даражада кўрсатади ва уни ёш аёлларда СБС да канцерогенез диагностик маркерлар тизими сифатида тавсия қилишга имкон беради. Геннинг CpG-оролчаларининг метилланишини ўрганиш ва юқори частоталарини аниқлаш ёш аёлларда СБС диагностик тест-тизимларини қайта ишлаб чиқиш учун фундаментал база ҳисобланади. FACS схемаси: циклофосфан, 5-фторурацил и доксорубицин билан стандарт кимё терапияни қўллаш динамикасида, кейинчалик 2 курс кимё терапия ўтказгандан кейин хТДНК даражаси ўзгариши ўрганилган. Бу мақсадда ёш аёлларда СБС беморлари гуруҳи шакллантирилган, уларда кимё терапиядан олдин ва кейин хТДНК текшируви учун қон плазмаси олинган.



8-расм. Ёш аёлларда СБС да қон плазмасида хТДНК концентрацияси ўзгариши, кимётерапиядан аввал ва кейин (2 курс)

Текширувлар ёш аёлларда СБС да касаллик авж олганда хТДНК 53,7% ҳолат (80 бемордан 43 тасида)да концентрацияси ошганини кўрсатди. Неoadювант химиятерапия (2 курс) ўтказгандан кейин хТДНК динамик пасайиши, кейин қайта ошиши, баъзи беморларда (I-II босқич) хТДНК

меъёргача камайиши кузатилган. Шу боис, беморларни динамикада кузатувда ҳамда касаллик рецидивини эрта аниқлаш (прогноз) да қон плазмасидаги хтДНК концентрациясини аниқлаш ўтказилган даволаш самарадорлигини баҳолаш ва мониторингида истиқболли ҳисобланади.

Ўтказилган тадқиқотлар СБС билан хасталанган беморлар қонида хтДНК юқори миқдорда сақланиши жараён босқичига боғлиқлиги, нохуш якунини олдиндан билдириши, ҳамда даволашнинг самарасизлиги ҳақида дастлабки хулоса қилишга имкон яратади, бу эса махсус даволаш ўтказиш даврида динамик ўзгаришлар мониторингини амалга ошириш учун зарур ҳисобланади. Шу сабаб СБС билан хасталанган ёш аёлларда хтДНК нинг миқдорий баҳолаши организмнинг кимё препаратлари терапевтик таъсирига индивидуал сезувчанлигини аниқлашда биомаркер сифатида қўлланиши мумкин.

Шундай қилиб, олинган натижалар асосида СБС билан хасталанган ёш аёллар плазмасида аниқланадиган хтДНК сут беши тўқимаси учун махсус онко кетма-кетликни сақлайди ва ушбу патологияли беморлар ташхисотида маркер сифатида қўлланиши мумкин деб хулоса қилса бўлади.

ХУЛОСАЛАР

1. Ўзбекистон Республикасида СБС онкоэпидемиологик таҳлили касалланиш тенденцияси ошиб боришини кўрсатди, барча ёш гуруҳларида касалланиш тренди ўсиш тенденциясига эга бўлди: 20-24 ёш – $T_{пр}=+0,007\%$; 25-29 ёш - $T_{пр}=+0,28\%$; 35-39 ёш - $T_{пр}=+0,56\%$; 40-44 ёш - $T_{пр}=+0,65\%$.; Республикада ёш аёлларда СБС беморлари ўртача ёши 37,5 йилни ташкил қилди.

2. Сут беши саратони билан касалланган ёш аёлларда биологик турларини ўрганишда, 35 ёшдан кичик бўлган аёлларда уч карра манфий ва Люминал В тури кўпроқ учради (23,7% ва 22,5%), бу эса касалликни агрессивлиги ва хавфлилик даражасини юқорилигини кўрсатади.

3. Қон плазмасидаги ўртача хтДНК миқдорини ўрганишда қуйидаги кўрсаткичлар аниқланди: соғлом аёлларда 54,2%, хавфсиз ўсма касалликлари билан эса 87,8%, сут беши саратони билан касалланган аёлларда эса 157,2% ни ташкил қилди. Сут беши саратонига хавф гуруҳлар ажратиб олинди. Хужайрадан ташқари ДНКнинг миқдорий ва сифат кўрсаткичини яққол ошиши 31-35 ёшдаги беморларда аниқланди. Бу эса ўз навбатида эса 35 ёшдан ёш аёлларда касалликни агрессив кечишидан далолат беради.

4. RARβ2 генини метилланиши сут беши саратонини Люминал А турида Люминал В турига қараганда 2,3 марта кам бўлади (14,8%/34,0%). Уч карра манфий ва Люминал В биологик турларида хужайрадан ташқари ДНКни метилланиши юқорилигини кўрсатади, бу эса бу маркерларни касалликни прогнозлашда катта ахамиятга эга эканлигини кўрсатади ва касалликка индивидуал ёндашиш стратегиясида ёрдам беради. Сут беши саратони билан хасталанган ёш аёллар плазмасида хтДНК юқори миқдори касалликнинг нохуш якунини олдиндан белгилаб беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2018. Tib.77.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ
СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ
МЕДИЦИСКОМ ЦЕНТРЕ ОНКОЛОГИИ И РАДИОЛОГИИ**

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР ОНКОЛОГИИ И
РАДИОЛОГИИ**

ЗАКИРОВА ЛОЛАХОН ТУЛКУНОВНА

**РОЛЬ МОЛЕКУЛЯРНО-БИОЛОГИЧЕСКИХ МАРКЕРОВ В
ПРОГНОЗЕ РАКА МОЛОЧНОЙ ЖЕЛЕЗЫ У МОЛОДЫХ ЖЕНЩИН**

14.00.14 – Онкология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2020

Тема диссертации доктора философии зарегистрированав Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2018.2.PhD/Tib656

Диссертация выполнена в Республиканском специализированном научно-практическом центре онкологии и радиологии.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме) размещен на веб-странице Научного совета (www.cancercenter.uz) и на информационно-образовательном портале “ZiyoNet” (www.ziyo.net).

Научный руководитель:	Алимходжаева Лола Телмановна доктор медицинских наук
Официальные оппоненты:	Исламбекова Зулфия Астанакуловна доктор медицинских наук Джураев Миржалол Дехканович доктор медицинских наук, профессор
Ведущая организация:	Республиканский Онкологический Научный Центр (Республика Таджикистан, Душанбе)

Защита диссертации состоится « ____ » _____ 2020 г. в _____ часов на заседании Научного Совета DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре онкологии и радиологии. Адрес: 100174, г. Ташкент, ул.Фаробий, 383. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871)246-15-96; e-mail:info@cancercenter.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра онкологии и радиологии (зарегистрирована за № ____). Адрес: 100174, г. Ташкент, ул.Фаробий, 383, Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871)246-15-96; e-mail: info@cancercenter.uz).

Автореферат диссертации разослан « _____ » _____ 2020 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от _____ 2020 г.).

М.Н. Тилляшайхов
Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

А.А. Адилходжаев
Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, доцент

М.Х. Ходжибеков
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день одним из актуальных вопросов современной онкологии остается проблема рака молочной железы (РМЖ), занимающая первое место в структуре злокачественных новообразований у женщин. Ежегодно в мире выявляется более 1 млн. новых случаев РМЖ, при этом более 50% женщин погибают от этой патологии. По данным Всемирной Организации Здравоохранения заболеваемость по РМЖ составляет 46,3 на 100 тысяч населения а, при этом смертность 13. Процесс «омоложения» РМЖ в настоящее время становится неоспоримым фактом, несмотря на то, что «...данная патология является характерной для женщин более старшего возраста, за последние десятилетия наблюдается рост больных в более молодом возрасте до 40 лет...»¹.

В мире проводится ряд научных исследований по изучению роли молекулярно-биологических маркеров в прогнозе рака молочной железы у молодых женщин. В том числе, важное значение имеет обоснование эпидемиологических особенностей рака молочной железы, оценить индивидуальные особенности биологии опухоли на основе иммуногистохимического статуса у больных РМЖ молодого возраста в зависимости от биологических подтипов. В этой связи, особое значение имеет оценка эффективности и значимость количественных и качественных изменений вкДНК в плазме крови у больных РМЖ молодого возраста, у здоровых доноров и женщин с доброкачественными новообразованием. А также анализ статуса метилирования гена опухолевой супрессии (RAR β 2) в качестве маркера диагностики и эффективности при прогнозе и мониторинге течения РМЖ молодого возраста.

В нашей стране для развития медицинской сферы по мировым стандартам, снижения онкологических заболеваний в соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан УП №5590 от 7 декабря 2018 года «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» определены задачи «...по повышению эффективности, качества и доступности медицинской помощи населению, а также внедрения высокотехнологичных методов диагностики и лечения, создания системы медицинской стандартизации, пропаганды здорового образа жизни и профилактики заболеваний за счет создания эффективных моделей патронажа и диспансеризации...»². Выполнение поставленных задач будет способствовать снижению уровней заболеваемости и смертности злокачественными новообразованиями (ЗН) за счет повышения и внедрения современных диагностических методов исследования, активного скрининга и профилактических мероприятий.

¹ В.Ф. Семиглазов и др. Иммунология рака молочной железы / под ред. проф. В.Ф. Семиглазова. — М: СИМК, 2019. 204 с.

² Указ Президента Республики Узбекистан №УП-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 года

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренные в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, №УП-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 года, в Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП-2866 «О мерах по дальнейшему развитию онкологической службы и совершенствованию онкологической помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» от 4 апреля 2017 года, ПП-3071 «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» от 20 июня 2017 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике Узбекистан. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики VI «Медицина и фармакология».

